

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАХАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2013 йил ноябрь-декабрда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2013 йил ноябрь-декабрь ойлари этиб белгилансин.
2. Бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштириладиганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. 2013 йил ноябрь-декабрда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгашига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2013 йилнинг 1 октябрга қадар бўлган муддатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш;
5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлигига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи зарурат бўлганда уларни биналор, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;
6. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш;
7. оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ҳамда 2014 йил 15 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 сентябрь.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатида гапирилган эди

УСТОЗ, ТЕЛЕФОНИНГИЗ ЖИРИНГЛАЯПТИ

Яқиндагина ўқув йили бошланишидан дарак берувчи биринчи кўнгирик чалинган эди. Ҳаш-паш дегунча, ўқувчилар дарсликлардаги мавзуларни ўзлаштиришга киришиб кетиш-

8-синфнинг тарих дарсига кириб ўтирдик. Синфда 29 ўқувчи ўқир экан. Ўқитувчи Гулнора Ниёзованинг "Мустақиллик ҳақида қандай фикрларингиз бор?" деган саволига Шайхона Абдуллажонова ва Гийосжон Буриевнинг тўхтамай, бурро жавоб қайтари-

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Худойберди ТЎХТАБОВЕВ, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси

ПАРКЕНТНИНГ ОЛАМГА МАШҲУР УЗУМЛАРИ

Обод турмуш йилининг хосияти, хислати беҳисоб бўлди. Мевалари гарқ пишган олис-олис қишлоқларда, гўзаллик талашаётган шаҳарларда, маънавият, маърифатнинг бешиги мана бизда деб баҳслашаётган обод-обод маҳаллаларда, майли, у эндигина иш бошлаган ноҳияга тадбиркор бўлсин, майли, у ҳамкасбларидан анча ўзиб кетган донгдор фермер

бўлсин, майли, у чўлу саҳрода саратон иссини, қаҳратон қишнинг қаҳрини енгиб сурув-сурув қўй ҳайдаётган чўпон бўлсин, майли, у олам янгилигини мактабимга олиб келаман деб тинмай изланаётган муаллим бўлсин, ҳаммасларида, иқтисодий, маънавий кўтаринкиликка бўлган интилиш бир хилда кечаяпти.

Ана шу руҳий, маънавий тўққинлар бутун мамлакат бўйлаб қанот ёзиб бораётгандек. Буни биз Оҳангарон туманидаги донгдор галлакорлар хузурида бўлганимизда, Пискент туманидаги тажрибали пахтакорлар билан баҳаво, шаббодда ғир-ғир эсиб турган шийпонларда мириқиб суҳбатлашганимизда, Зангиота туманида янги янги уйлар қурган, "интенсив" боғ яратиш учун бел боғлаган, ғайрати ичига сиймайди шиддатли ёшлар билан гурунглашиб, суҳбатимизга қаноат қилолмай қолган кунларимизда кўрдик, имкон даражасида чуқурроқ ҳис қилдик, бамисоли кафтимизга қўйиб, яқиндан томоша қилгандек бўлдик.



Бу ҳолат айниқса, гўзаллиги таърифларга сиймайди Паркент туманида бўлганимизда кўнгилларга олам-олам қувонч бағишлади. Чот-қол тоғи этакларидаги паст-баланд адирларда, хазиналар кони бўлиши улкан, баланд қорли тоғлар томон аста-секин кўтарилиб борадиган, об-хавоси ҳам бир кунда тўрт бора ўзгариб, танга ҳузур бағишлайдиган бу ҳудудда истеъдодли ёшлару ёзувчилар, элга хизмат қилган ва хали ҳам хизмат қилиб келаётган жамоат арбоблари, қўли гул усталару, илим-фанга улкан ҳисса қўшаётган олимлар яшайди. Бу гўзаллик билан ҳам бу юрт гоёта машҳур, гоёта улғурди. Айниқса, бу юрт қишлоқлари бой тарихлари – ҳам шох, ҳам шоир Мирзо Бобурнинг назари тушганлиги билан ҳам фахрланадилар. Вақти келар, уларга ҳам алоҳида дафтар очармиз. Сарлавҳамизга оламга машҳур узум деган сўзларни қўйдик. Демакки, узумлар ҳақида сўзлаганимиз келяпти. Бу юртининг узумлари ўзининг ширин шарбати билан, Олтиариқнинг бели ингичка хусай-

Очерк

чи-қитиқловчи саволларимизни ҳам бошлаб юбордик. Бу икки раҳбар шу юртининг сувини ичиб улгайган, пасту баландини биллиб катта бўлган, ютуғию камчилиги, шодлиғию ташвишларига шерик бўлиб яшаётган мутахассислар ҳисобланадилар. Ҳар икковлари ҳам ҳисоб-китоб илмида, иқтисод билимида нодир деб баҳоланганлар. Қайта-қайта бўлиб турадиган танловларда голиб келиб, мактавлар ҳам эшитишган. Шу пайтда қизиқ бир ривоят эсимга тушиб кетди:

"Қадимда баъзи бой, бадавлат хондонларда туюдек катта сандиқлар ва уларни жаранглаб очиладиган қулфи ҳам бўларкан. Калит эса раҳмдилу қаттиққўл, ҳар бурда нонни кўз қорачиғидек сақлайдиган меҳрибон бувилар қўлида бўларкан. Сандиқ жаранглаб очилиши билан бу хондоннинг бутун бойлиги, майли, у мева-чева бўлсин, майли, у кампир бувининг бўлажак келинчаларга аталган сепи бўлсин, майли чол бобонинг тўйга атаб йиққан тангалари бўлсин – ҳамма-ҳам-

маси шундоққина кўзга ташланиб қоларкан". Шу ҳолатни мен бир-бирига гал бермай туман бойлиги ҳақида сўзлаётган икки раҳбарни меҳрибон оналарга қаршиларта турган рангли компьютерга ўхшатгандек бўлдим. Кампир бувимиз калит солиб жаранглаб қулфини очгандек, статистика бўлимининг бошлиғи сарҳат бир тугмачани босиб, бутун ҳудуддаги бойликни кўз олдимизга келтириб қўяолди. Компьютер экрани ырақ-ырақ ўтяпти. Бу икки йигит юрт бойлигини бамисоли ўзлари ярат-

ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛДИ

"Тошкент-Бекобод" магистраль йўлининг Бек-обод тумани чегарасидан "Ойбек" боғжона постигача бўлган 7 километр масофадаги қисми мукамил таъмирдан чиқарилди. Ушбу мақсад учун йўл жамғармаси ҳисобидан 2 млрд. 39 миллион сўм маблағ сарфланди, қурилиш-таъмирлаш ишларини "Сурайё-Орзу" МЧЖ бажарди. Шунингдек, август ойида Далварзин қишлоғидаги Ҳаким Юсупов, Нуъмонхўжа Бурхонжаев ва Абдуманон Бойқўзиев номи кўчалар тўлиқ таъмирланди. Гулистон, Жумабозор, Чаноқ, Меҳнатобод қишлоқларида ўндан зиёд кўча қайта асфальтланди. Бу ишларга 650 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Қаримқул БОБОҚУЛ ўғли.

Пахта – 2013 ОТРЯДЛАР ТЕРИМГА ШАЙ

Айни кунларда вилоятимизнинг барча пахтакор туманларида бўлгани каби, Оққўрғон туманида ҳам пахта теримида қатнашиши кўзда тутилган 150 дан зиёд отрядлар таркибидagi теримчиларга етарли шарт-шароитлар яратилиб, мавсумга шай қилиб қўйилди. "Олимпент пахта тазолаш корхонаси"да бўлиб ўтган семинарда отрядларнинг пахта терими мавсумига тайёргарлиги яна бир бор кўздан кечирилди. Айрим отрядлар таркиби кўридан ўтказилди. Мавсум техникалари, озиқ-овқат, кийим-кечак, асбоб-анжомлар, соғлиқни сақлаш масалалари атрофида муҳокама қилиниб, йиғим-терим жараёнида юзга келиши мумкин бўлган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Йиғилиш сўнгида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири уринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхоннова пахта тайёрланган отрядлар аъзоларига совғалар топширди. Очик мулоқот тарзида ўтган семинарда вилоят ҳокими Аҳмадхон Усмонов иштирок этди. Ҳамид МУСОҚОВ.



Ифтихор ЖАМОАМИЗ ФАҲРИ

"Ўзнефтгазмаш" акциядорлик компаниясига қарашли "Ўзбекмёмаш 72" йилдан буюн нафақат вилоятимиз, балки республика иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган салмоқли ҳиссаси билан обрў-эътибор қозониб келмоқда. Мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам корхонанинг нуфузи ортиб, миждозлари кўпайиб бораётганида Мирмусаевлар ишчи сулоласининг ўзига яраша ўрни бор. Сулоланинг тўнғич вакили Баҳодир Мирмусаев Мустақиллигимизнинг 22 йиллиғи арафасида республика Президентининг Фармониغا мувофиқ "Шухрат" медали билан тақдирланди. Шу муносабат билан корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Уткир Матғозиев "Тошкент ҳақиқати" газетаси муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди. – Аввал корхонамизнинг бугунги ишлаб чиқариш салоҳияти ҳақида икки оғиз сўз. Акциядорлик жамиятимиз кимё,

нефть, газ, металлургия ва халқ ҳўжалигининг бошқа қатор соҳаларига нефть-газ қазиб чиқариш ускуналари, кимё саноати тармоқларига компрессор, насос ва уларга ахтиёт қисмлар етказиб бермоқда. Корхонанинг кўп йиллик фаолияти давомида углеродли, зангламайдиган пўлатлардан ва титанли қоришмалардан мустаҳкамлиги билан ажралиб турувчи асбоб-ускуналар яшаш кенг йўлга қўйилди. (Давоми 2-бетда).

Саломат бўлинг

БЕХОСДАН ИТ ҚОПГАНДА...

Виллятимида ҳар йили 6 мингдан ортиқ киши ит қошидан жабр кўрмоқда. Кутуриш инсониятга эраимиздан аввалги 3000-йилларда маълум бўлган касаллик. У марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан хавфлидир.

Касалликда кўзгалиш аломатлари, кейинчалик фалажлик кузатилиб, охири ўлим билан тугайди. Итлар ва итсимонлар оиласига мансуб бўри, тулки ва чибўри сингари ёввойи ҳайвонлар кутуриш касаллигининг асосий манбалари ҳисобланади. Сигир, от,

шиллик пардаларига тушганда, одам кутурган ҳайвоннинг терисини шилганда, мия ва сўлак билан қўл ифлосланганда, ҳатто, сўлак теккан жисмларга суйкалганда ҳам юкиши мумкин.

Ит тишлаган пайтдан то кутуришнинг белгилари пайдо бўлгунча қадар касалликнинг яширин даври ҳисобланиб, буни одамда ҳеч қандай аломатлар кўринмайди. Касалликнинг бошланғич



Улоқтириб юборади. Беморнинг кўзлари қақчайиб кетади, сувдан қўрқадиган бўлиб қолади, нафас олиши қийинлашади. Сал шамол эсса ҳам

чўчидган бўлади. Сўлак ажралиши тезлашади. Аввал оёқлар, сўнгра қўллар фалажланади, бемор қимирламай ётиб қолади, у юрак ва нафас муусуларининг фалажланиши оқибатида оламдан кўз юмади.

Кутуришни самарали даволаш усуллари ҳозирча топилгани йўқ. Шундай экан, ҳайвонлар тишлаганда нималарга эътибор бериш керак?

Энг, аввало, ҳайвон тишлаган жойни совунлаб ювиб, йод эритмасини суртиш, тоза бинт билан боғлаб, дарҳол шифокор чақиртириш керак. Уз вақтида шифокор назорат

тидаги эмлаш ўлимга дучор этадиган кутуриш касаллигини банд сақлаб қолишининг бирдан-бир воситасидир. Эмлаш вақтларида киши ўта чарчаш ва совуқдан сақланиши керак.

Бедаво, ўлим билан янгуланувчи бу хасталикнинг олдини олиш учун итларни боғлаб боқиб, кўчага олиб чиқишдан олдин озгина махсус бурундик тақиб, пишк қилвирда етаклаш тавсия этилади.

Вазирлар Маъжаси ва виллоят ҳокимининг "Қаровиз қолган итларни тутиш ва сақлаш билан шуғулланувчи қорхоналар ишларини янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги

Умарали МИРЗАЕВ, виллоят ДСЭММ шифокор-эпидемиологи.

ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Бекобод тумани СИБ томонидан 05.12.2011 й. № 24069-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Шоша маҳалласида жойлашган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 148 434 813 сўм. 2. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 03.08.2012 й. № 2-79-12-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чорбоғ кўрғони БУУ, Чорбоғ Гўзал Боғи, 7А уй. Бошланғич баҳоси – 1 504 399 037 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 30 сентябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. 3. Учтепа тумани СИБ томонидан 24.05.2013 й. № 1-2386/13-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Д20-А мазеве, 15-уйнинг 1-қаватидаги офис биноси. Бошланғич баҳоси – 62 500 000 сўм. 4. Учтепа тумани СИБ томонидан 16.04.2013 й. № 1-271/13-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 18-мавзе, 13-уй, 16-хонадон. Бошланғич баҳоси – 24 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 14 октябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдорларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдорлар бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагиди бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиши – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотeka банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қиймати 5 банк кун мобайнида тўлалиги тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

"КОР ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Яқкасарой тумани СИБ томонидан 12.03.2013 йилдаги № 1-194/13-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 69/5-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 83,31 кв.м., яшаш майдони 49,95 кв.м. ҳамда 4 та яшаш хонадан иборат 33-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 62 812 500 сўм. Аукцион савдоси 2013 йилнинг 4 октябрь кун соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдорларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КОР ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотeka банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдорларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдорларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимосиди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

ДУҚ "Сувсоз" қошидаги "MUSAFFO OBI HAYOT" МЧЖ Тошкент виллоятининг Қибрай ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга 2013 йил 1 октябрдан бошлаб:

- Аҳоли учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 171,00 сўм
Оқава хизмати – 1 м. куб – 78,00 сўм
- Юридик қорхоналар учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 467,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати – 1 м. куб – 155,00 сўм (+20% ҚҚС)
- Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 171,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати – 1 м. куб – 78,00 сўм, (+20% ҚҚС)
- Бюджет қорхоналар учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 152,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати -1 м. куб – 78,00 сўм (+20 % ҚҚС)

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА

• Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.



Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатини кўлатиши имконияти;
- Иштиёғли фонд ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар сарови.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатини юқорилик;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узғурчи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

- Туман ёки виллоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки мазаула фуқаролар йиғинларига;
- Камолот ЕНХ бўлимларига;
- Хотин-қизлар қўмиталарига;
- Қишлоқ қурилиш банк филиалларига, мини банкларига;
- Қишлоқ қурилиш инвест филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шахрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.gqb.uz
e-mail: headoffice@gqb.uz

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб ошхонасини юритиш бўйича тендер эълон қилади.

Аризалар газета чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида М. Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 34-уй манзили бўйича ёки 234-44-49 теле-фон рақами орқали қабул қилинади.

Частная фирма "DO STLIK-SAVDOGAR" (ИНН 201538644, ОКПО 15949566, ОКОНХ 71200), зарегистрированное ИПСР при хокимияте Сергелийского района г. Ташкента за реестр. № 000271-06 от 19.08.2004г., преобразуется в ООО "OSIYO SHAKANA SAVDO". ООО "OSIYO SHAKANA SAVDO" является правопреемником по всем правам и обязательствам частной фирмы "DO STLIK-SAVDOGAR".

Претензии и требования принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, Дусллик, 2-квартал, дом-3.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан № 09-01596 реестр рақами билан рўйхатга олинган "МУНИБА" (ИНН 203561119) хусусий фирмаси масъулияти чекланган жамиятига айланишини маълум қилади.

ООО "BOMOND SERVIS" (ИНН 207093698), зарегистрированное ИПСР при хокимияте Мирабаскского района г. Ташкента за реестр № 005266-03 от 08.06.2011г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Нукус, 89, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол № 1 от 01.09.2013г.).

ООО "LATUS BUSINESS" сообщает об уменьшении уставного фонда с 275 231 303 сум до 92 727 684,5 сум.

Чилонзор туман ҳокимияти хузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ORIGINAL MEAT TRADE" (ИНН 302517840) МЧЖнинг устав жамғармаси 300 000 сўмдан 185 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Маълумот учун тел.: 515-76-89.

"PO'LAT QORA MARVARID" МЧЖга 2013 йил 2 августда берилган № 006812-05 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "STATUS FORTUNA" (ИНН 207181905), зарегистрированное ИПСР Чиланзарского района г. Ташкента за № 008801-08 от 15.04.2013 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, 3-квартал, дом-1, кв. 51, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол № 2 от 28.08.2013г.). Претензии принимаются со дня опубликования объявления.

Яқкасарой тумани ҳокимияти хузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркор Фатеева Юлия Владимировна номига 22.03.2013 йилда берилган № 1104274 рақамли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашуве: дўхон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайнли уйлар;
- Ҳар бири уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамада текис ва равои йўлларга эга;

Оиламиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежамкорлик маблағингизни оилавий режаслар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яштароқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади.

ПАРКЕНТНИНГ ОЛАМГА МАШҲУР УЗУМЛАРИ

Раҳбар аввал бирга ишлаганлар, кўл остида ишлаётганлар билан фахрланса, уларнинг меҳнатини қадрлаб, чиройли сўз айтса, бу яхши экан. Икки раҳбарнинг ҳаяжонига шу улғур юртада меҳнат қилган юртдошларимиз фидоийлиги жамулам бўлаётгандек эди. Сўз навбатини шошилиб, уюшма раиси олди: "Бу ёшларга кўйиб берсак, биз ёши улғурларга гап беришмайди. Лекин яхши бўляпти. Ҳозир ташаббус ана шу ёшлар кўлига ўтиб бораёпти", деган ҳазилнома сўзларни қайта-қайта айтиб:

– Энди навбат бизга келгандир, – дея ўртоғимнинг тиззасига уриб кўйдим. – Мухим-муҳим янгиликлар бор, шуларни айтмоқчиман, ёзувчи ака. Ахир Сиз янгиликларни ёгани келгансизми. Шундай эмасми?

– Худди шундай, – дейман. – Ва яна Сиз юртимизнинг юксалтишни кўргани келгансизми, тўғрими?

– Тўғри, – дейман шошилиб. – Энг катта ютуғимиз ҳурмати Юртбошимизнинг 2013 йил 13 мартдаги 2013-2015 йилларда тоқзорларнинг самардорлигини ошириш ҳамда икки бозорни узум маҳсулотлари билан таъминлаш, узумчиликни янада ривожлантириш ҳақидаги қарорлари бўлди. Бу чинакам тарихий, яъни юртимиз соҳибдорлари узок кутган муддаолари амалга ошадиган бир қарор бўлди. 4400 гектар лалми ермиз бор эди. Ишонасизми, осмондан ёғир келса, тузуққина ҳосил олардик. Бўлмаса, э аттанг, деб бошимизни қашлаб қолавардик. Мана шу қарор чиқши билан боғбонларимиз, ёр соҳибдорларимизда бир кўтаринки кайфият бошланди, айтсам таърифини келтирилмаган бўламан. Адириларни мен ўзлаштирмаман, ўша ерларда мўл узумни мана мен этиштирмаман, дея енг шимарганлар ҳисобсиз бўлди. Айниқса, ёшлар ёпирилиб келди. Бир нарсани айтсам, ёзиб олсангиз бўларди. Бизнинг туманимизда биронга ёш ташқарига иш ахтариб чиққани йўқ, Баъзи бир оилалар ўғил-қизлари билан, келин-куёвлари билан гайратга кирдилар. Биласизми, эгасини топса, ер ҳам меҳрини аямас экан. Олдинги ерларимиз мўл-кўл ҳосил берган эди. Янги ерларимизда ҳам ундан юқори ҳосил бўлади, деб иш бошлаб юбордилар. 3317 гектар дашт ерларимизга, пасту баланд адириларимизга кўчатлар экиш бошланди. Гуркираб ўсган жойларимиз бор, икки барг, уч барг чиқариб, менга сув бер, менга ўғит бер деб турган тоқ кўчатларимиз ҳаммасидан кўп. Ёзувчи амаки, юзта сиз-биздан битта жиз-биз яхши дейдиларку, ҳадеб мактай-вергандан кўра, яхшиси адириларга бораёпти. Ер бағирлаб ўсган тоқ кўчатларини ўз кўзимиз билан кўриб қайтайлик.

Паркентдан чиқиб, Сўқоққача чўзилиб кетган поёнсиз узумзорлар томон йўл оламиз. Бир-бирига суяниб, бамисоли ястаниб ётгандек адирлар орасидан ўтиб бораемиз. Сўқоқ – Заркент йўли бўлиши билан йўлнинг ўнг ва чап томонларига чиндан ҳам тоқ ниҳоллари экилган. Кўқарганларни бор, кўқариб нимжонгина-нимжонгина уч-тўрт барг чиқарганларни бор. Худди онасини ачмоллаб, кўксидан бахра оларан чакалоклардек она ер бағрини кучоқлаб олишган. Кўёшдан нуру, она ердан қувват олаётгандек.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Наҳотки, сувсиз ўсса, – дея ҳайратланиб сўраймиз. – Усибди, демак ўсарканда, – дейди ҳамроҳимиз. – Ахир, бунинг бир ҳикмати бордир?

– Бор, албатта, ҳикматсиз ҳеч нарса йўқ бу дунёда. Буни биз гоҳ адириларда, гоҳ қарасанг, дўпнинг тушиб кетадиган тоқ тепаликларда, гоҳ суви кўриб, тоқлоқдангина иборат бўлиб қолган сойликлар бўйида тонналаб ширинширин узум узаетган Ботир Расулов, Абдулазиз Абдуянусов, Бакир Ашуров сингари Паркент узумлари донгини оламга таратган миришкор, соҳибдорлар билан қайта-қайта суҳбатлашганда билдик. Сирини айтишди, лекин ҳаммасини эмас, начора, ҳар бир соҳибдорнинг ўзи, фақат ўзи билиши керак бўлган сирлари бўладикку, ахир.

Энг муҳими: – Ўз касбини севиш. – Ерга ҳеч аямай меҳрини берил. – Ниҳолни ўз ўғлидек, ўз қизидек кўриш, янги кўқарган ниҳолни парвариш қилиш, бошини силаб-силаб кўйиш. – Узумчи боболардан қолган тажрибаларни эслаб туриш, – деган гапларни ҳам айтишди. "Сўқоқ тоқсар Равшан" фермер хўжалигига боришга ҳаракат қилдик. Дониёржон Ботиров боғларимни, узумзорларимни кўрсатаман деб атайлаб тоғдан тушиб келибди. Бормай бўладими, жўнадик. Йўл-йўлакай Дониёржон худди ўзи кўқартиргандек, "Сўқоқ эттиқир", "Сўқоқ Ботир Йўлдош" фермерларнинг боғларини, тоқзорларини мақтаб бораёпти. Тоқларга кўли билан ишора ҳам қилаёпти. Тўхтаб-тўхтаб бораёпти, йўқ, ўз ихтиёримиз билан эмас, ишчилар, фермерларнинг ўғил-қизлари йўлимизни тўсишяпти.

– Ёзувчи амаки, Сиз ҳар кун телевидорда чиқасиз, тўғрими?

– Амаки, бизга китоб олиб келдингизми?

– Амаки, шу ерда, бизни чайлада бир учрашув қилайлик, шёр

Ниҳоят, ҳар сўзига ҳазил қўшиб, аввал ўзи озорқ қилиб, сизни ҳам озорқ қилишга, ҳеч бўлмаса жилмайишга даъват қилиб сўзловчи, шу адириларда, шу шафқатсиз табиат ичида соҳибдорлик қилаётган боғбондан кўра, кўпроқ адабиёт муаллимига ўхшаб кетадиган бу йигит худудига етиб келдик. Қизиқ, тахминимиз тўғри экан.

– Бу боянширин, – деб сўзлаб бораёпти Дониёрбек. – Мана буниси қора кишимиз, шираси новотдан юқори. Бунисини атайлаб оилам билан эканман – оқ кишимиз. Ундан шаҳарликлар паловга солиб, ширин қилишадикку, ана шунанга майизлар қуритамиз. Мана буниси, бир бошини узиб кўринг, узаверинг. Қизил тоифи дейиша-



Кела-келгунча, сўзни адабиётга бурди, қайси ёзувчиларни кўпроқ ўқитганларини айтди. Худудини – бу менинг мамлакатим – чегараси чексиз, 32 гектар майдонни эгаллади, деб қўлиб қўйдим.

12 гектари узумзор экан. Адирига, шу ерларнинг об-ҳавосини яхши биладиган дадасига эргашиб чиққанга 30 йил бўлибди. Фермерлик фаолиятини бошлаганига 7 йил тўлибди. Иш бошлаган кун: "Ҳосилдорликни ошираман, бора-бора 200 центнерга кўтара-

ди. Гоҳо бир боши тарозининг бир палласини босиб кетади. Энди мана буниси сояки, дейдилар, бунақанги ҳосилдор тоқ бу дунёда йўқ, – дея Дониёрбек тўхтамадан гоҳ олдинга, гоҳ орқага бошлаб бораёпти. 3 гектар ерга янги тоқ кўчати эккан экан. Оқ, қора кишимиз экканининг сабаби, буларнинг меваси бозориги бўларкан.

Айтган гапларидан ўзи завқланаётган бўлса керак, ҳикояси ҳеч тугамайпти. Ҳа, ўз меҳнатидан, яратган янгиликдан завқланадиган, завқи фаҳрга, ифтихорга айланадиган кишилар кўп бўлади. Бундай кишиларнинг юзиде ҳаммиша табассум, кўзларида меҳр нури ўйнаб туради. Мен суҳбатига қўнамаётганим Дониёрбек ана шундай йигитлардан экан.

Тўсатдан тоқзор оралаб, кўлида оғир икки челақ тўла кўларнинг қий, ўнг ёнига тоқ қайчи, чап томонига ўроқ қистирган гавдали бир киши, ия-яя дея чиқиб кела бошлади тўхтаб:

– Тагин Сиз ёзувчи бўлманг, – ҳайрат ичида деди.

– Ёзувчиман, – дейман шошилиб.

– Телевизорда чиқасиз-у, кам гапирасиз, лекин барибир Сиз ўшамасиз?


Ҳа, ўшаман. Кўчқоқлаб кўришдик. 80 ёшни қоралаб бораётган арслон келбати отахон ҳали кучли, бақувват экан. Мени кўтариб-кўтариб қўйяпти.

Суҳбатимиз тезгина қизиқ кетди. Юқоридега чайлада ўтирибмиз, бу ердан тоғларнинг, адириларнинг гўзаллиги, латофати шундоққина ловуллаб ёниб турибди. Суҳбатимиз гоҳо қиш қаттиқ совуқ келганда ёш ниҳолни сақлаш, гоҳо ҳосилни қандай кўтариш усуллари ҳақида бораёпти. Отахоининг бу дашт, адириларга чиққанга 60 йиллар бўлиб қолди. Ҳў-ҳў қанча-қанча боғлар яратибди. Шарбатли узумларни оламга тарқатибди. Отадан узумни серҳосил қилиш сирларини сўрагандек бўлишимиз. Шун-

да ота жонланиб: – Сигирнинг мўжазгина елинидан йилига 3 тоннагача сут олаемиз, тўғрими? Ана ҳў-ў нарида қавшаниб турган менинг сигиримни кўринг, 3 тоннадан ҳам кўп сут беради. Ҳўш, сигир мўжазгина елинидан шунча сут беради-ю, нега энди, йўғонлиги мана бу дарахтдек тоқ занги нари борса 50-

60 килограмдан узум беради? Нега деб сўрамайсангиз, сўрасангиз яхши бўларди. Сабаби шундаки, сигир тўхтамай ем ейди, ҳашак ейди, говмушининг бошини силаб, меҳр кўрсатишди. Бечора дашта экилган тоқни эса бир марта чопишди – э чопишмайди. Остига гоҳ гўнг солишди – солишмайди, ў ёшни суриштирсангиз, трактор юрмайди деб, ораларини ҳам юмшатишмайди. Ана кўрдингиз, мана, қаранг, тоқларнинг остига гўнларни қандай солишибди. Ҳа, ҳамма нарса ҳам берганинча беради, ҳамма нарса ҳам меҳрга яраша меҳр қайтаради. Бир гап қолган боболаримиздан, соҳибдор бир бош узумни уч марта силари, тўртинчи марта узини керак, деб айтиб кетишган. Баъзи бир паркентлик боғбонларимизнинг юқори ҳосил олиш сирлари мана шунда. Ўғит беришди, тоқларни силаб-сиплашадими. Ана шундай боғбонлар Паркентимизда кўп. Заркентга боринг, ўша ерда Тожиддин деган бир катта соҳибдор яшаб ўтган. Узумни жуда ширадор, роса ҳосилдор қилиш ҳақида рисола ҳам ёзиб кетган дейишди. Вақтингиз бўлса, аввало бир кеча менинг чайламда меҳмон бўлинг. Қоронғи тушиши билан осмондаги ой сизга салом беради. Йўлдузлар чарақлаб, ҳуш келибсиз деб туради. Ҳа, айтгандай, ўша Тожиддин боғбондан қолган рисоладан бир нуска олиб кетиб, ёшларга ўқиб беринг. Ёшлар ургансин, мана, ҳўқуматимиз яна кўпроқ боғлар қилиш ҳақида фармон чиқариб қўйибди.

Бу худудда юганимизда оталаримиздан, тажрибали миришкор деҳқонлардан кўп ҳикматли сўзлар, қимматли фикрлар эшитдик. Ҳолванинг ози ширин деган гаплар ҳам бўлиб туради. Биз ҳам ҳамма эшитганимизни, кўрганларимизни ёзиб битиролмаслигимизни сезиб турибмиз. Ўқувчидан узр сўраб, чўзилиб кетган сўзимизни яқунлаб қўя қолмоқчимиз.



ўқиб бераман. – Амаки, бизнинг узумимиздан ҳеч бўлмаса бир шингил еб кўринг, – деган тақлифлар бўляпти.

Агар тўхтасак, чиндан ҳам китобхонлик бошланадиганга ўхшайди. Бу даргоҳларда аксарият ёшлар ишлаётган экан. Кўллари коллеж, академик лицейларни битириб келганлар. "Демак бутун мамлакатимиз каби тоқзорларда ҳам, узумзорларда ҳам ёшлар кўпайиб бораётган экан. Ёшлар боғларини ҳам кўлга олибди деган, хурсанд қиладиган фикрлар ўтади ҳаёлимиздан.

ман", дея яхши ниёт қилган, лекин буниси ҳеч қандай айтмаган экан. Мана, ниҳоят ўтган йил гектаридан 15 тоннагача ҳосил йиғиб олибди.

Дониёрбек: "Сизларни чарчатиб қўймаймани, ҳамон ниёт қилиб келибсизлар", дея кўярда-кўймай шигил ҳосил туғиб роса шира тўплаган узумзорига бошлади бизни. Ишқомлар оралаб тез-тез ўтиб бораёпти. Сизга осилган занглар ҳосилни кўп туғиб қўйгани учунми, бамисоли ўзларини гуноҳкор деб билганлари учунми, бошларини эгиб, новдалари ерга тегай-тегай деб турибди.

Жинойтга жазо муқаррар

Бирор кимсанинг камчилиги ёки йўл қўйган хато-ларидан фойдаланиб қилишни истовчиларни сиз қандай баҳолайсиз? Ҳар ҳолда барака топ, ётиб қолгунча отиб қол, демасангиз керак. Биз ҳам шундай фикрдамиз. Узганнинг хатосидан фойдаланиб қолувчи худбин кимсалар жирканч мақсадлари йўлида ҳар қандай бузуқликдан ҳам қайтмайдилар, ўзгалар шашни ва қадр-қимматини оёқсиз қилиб бўлса-да, ниҳоятга етиш илҳинда пайт пойлайдилар. Минг афсуски, гуруҳ қурмасиз бўлгансиз, баъзан шундай кимсаларни учратиб қоламиз. Жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар суди шундай бир кимсанинг фирибгарликка асосланган қирқдорларини фоз этди.

Наргиза Эрматова 2012 йилнинг август ойида Олмалик шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўба корхонасига назоратчи бўлиб ишга кирди. Унинг асосий вазифаси аҳолининг сувга

ЙИГИТНИНГ ОР-НОМУСИ БЎЛМАСА

тўлаган пулларини йиғиб, банкка топшириш эди. Унинг судда берган кўрсатмасидан маълум бўлишича, корхона ишчиларининг маошини баъзан вақтида тўломай, кечиктириб юборди. Наргиза Эрматова икки ойлик маоши кечиккани сабаб аҳолидан йиғилган 290 минг сўмини банкка топширмай, ўз эҳтиёжига ишлатди. Унинг бу қилган иши ошқор бўлган, корхона раҳбари А. Гайдаров обдон дақиқ бериши ва пулларни жойига қўйишни таяинлайди.

Бу пайтда корхона ҳуқуқшуноси Йўлдошбой Тошқодиров ҳам ўша ерда бўлиб, бошлиқ билан Наргиза Эрматова ўртасидаги суҳбатдан бохабар бўлган, вазиятдан фойдаланиб қилиш пайига ўтди. Наргизага бу қилмишини яшириш, ҳеч кимга билдирмаслик ва прокуратурага

хабар бермаслигини айтди. Бундай гап-сўзлар бир неча кун давом этди. Шундан кейин Йўлдошбой Тошқодиров мақсадга кўчди. Наргизага 290 минг сўмдан ташқари яна аҳолидан тушган пулларни ўзлаштириб юборганлигини, агар ҳўжайин билса ҳолига маймунлар йиғлашини айтиб, обдон кўриқтиди. Аммо, аҳолидан пул тўлангани ва у Наргиза Эрматованинг имзоси билан тасдиқланган чекни кўрсатмади. Шу камомадларни ёниб юбориши ва ҳўжайин билан келишиб, уни ишда олиб қилиши эвазига Наргиза Йўлдошбой билан ишқий саргузаштларга рози бўлиши, индаллонни айтганда унга жазманлик қилиши керак эди. Бундай тақлифга кўтмаган Наргиза аввалига ўзини йўқотазэди, кейин, қатъий рад жавобини берди.

Йўлдошбой эса ҳамон ўз "тактика"сидан қайтмас, қўрқитишда давом этарди. Агар унинг бу қилган ишлари ҳақида прокуратурага хабар берса, жиний жавобгарликка тортилишини айтиб, дўқ ҳам қиларди.

Наргиза билдирилган тақлифга кўнмас, у ҳолда пул бериши кераклигини айтди. У фирибгарнинг бу тақлифига рози бўлди ва қўлида нақд пули йўқлигини, фақат пластик картчасида йиғган пули борлигини айтди. Етиб қолгунча отиб қол, деганларидек Й. Тошқодиров буниси ҳам кўниб қўяқолди. Наргиза Эрматова шундан кейин бу ҳақда Миллий ҳавфсизлик хизмати Тошкент вилояти бўлимига хабар беришга қарор қилди.

Улар келишилган жойда учрашди. Йўлдошбой Наргизага ўз хоҳишига кўра

айбдор эканлигини яққол исботлаб берди. Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Ундан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Йўлдошбой Тошқодировга ҳам суд қонунчилика белгиланган тартибда ҳукм чиқарди. Унга кўра, Й. Тошқодиров 3 йил ахлоқ тузаотиш ишлари жаҳаб қилинди. Шунингдек, 2 йил муддат мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда ҳар ойда иш ҳақидан давлат фойдасига 20 фоиз ушлаб қолиш жазоси тайинланди. Й. Тошқодировга тегишли ГАЗ-3110 русумли автотранспорт воситаси давлат эгалигига ўтказилди.

Йигит киши учун бундан ортққ иснод, бунданда оғирроқ шармандалик бўлмаса керак. Олиси ва жамият олдида бундай иснодни кўтариб юришга ҳар кимнинг ҳам юзи чидамайди. Ва ҳар ким ҳам нафси ва хирсини жиловлай олма, бундай пасткашликка боравермайди.

Суд мажлисида Й. Тошқодиров ўзига қўйилган айбдор тоғи учун обдон баҳона ахтарди. Наргизага айтган гапларидан тоғи, уни тўхтатишга ҳам чиқарди. Бирок, судда гувоҳ сифатида сўрақ қилинганларнинг берган кўрсатмалари унинг

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Қабулхона: 233-12-83, 233-48-08.
Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-56-03, 233-65-59.
Шартнома ва эълонлар: 233-54-10.
Ҳисоб-китоб бўлими:

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таърифи компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Бекзод ҲИДОЯТОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ**



СУД ҚАЙТА ИШГА ОЛДИРДИ

Германия суди Deutsche Bank ноўрин бўшатиб юборган тўрт менежерни қайта ишга қабул қилди, дея хабар тарқатди АФР агентлиги.

Шу йил февраль ойда банкнинг тўрт менежери, шу жумладан, банк бўлиммаларида бирининг бошқарув директори ва вице-президенти ишдан бўшатишган эди. Гап шундаки, банк уларни трейдерлар билан ноқерак алоқада бўлганлиқда айблади.

2012 йилда Британиянинг Barclays банки LIBOR ва EURIBOR банкларига кредитлаш ставкаларини ўзгартиргани учун қўлга тушганди. Британия ва америкалик тартиб ўратувчилар шу муносабат билан банкка 400 миллион евро миқдорда жарима солган эди. Банк раҳбарлари эса истеъфого чиқишганди.

Шундан сўнг тартиб ўратувчиларда Европа ва Американинг бир қатор йирик банклари, шу жумладан, Deutsche Bank фаолиятига нисбатан шубҳа пайдо бўлганди. Айни вақтда бир қатор молиявий ташкилотларга нисбатан ҳам тергов ишлари олиб борилмоқда.

НОСОЗ «ТОЙОТА»ЛАР ЙИГИШТИРИБ ОЛИНАПТИ

АҚШнинг шосселарда ҳаракат хавфсизлиги миллий бошқармаси тарқатган хабарга кўра, Япониянинг "Тойота" компанияси Америка ҳамда Канадада 880,5 миңдан зиёд "Тойота РАВ4" автомобилларини йиғиштириб олмақда.

Аниқланишича, ушбу русумдаги автомобилларнинг орқа илмоқлари мустақам ўрнатилмаган экан. 130 дан зиёд автомашинани эгалари шу носозлик ҳақида компанияга шикоят қилдилар.

ТРОПИК ПЎРТНА ХУРУЖИ

Ҳафта бошларида Бермуд оролларига ёпирилган "Тэриел" тропик пўртанаси кейинги кунларда йўналишини ўзгартириб, эндиликда Атлантика умидида соҳиллари бўйлаб, Канада томон яқинлашмоқда.

Американинг тўфонларни қузатувчи миллий маркази мутахассисларнинг хабар беришича, бурон кеча Канаданинг Янги Шотландия ярим оролига етиб келган. Метерологларнинг баҳоратига қараганда, бурон Канада қирғоқларида карама-қарши циклон билан тўқнашиб, кучли жала олиб келади. Натихада кучли совуқ шамол эсади.

ВИЦЕ-КАНЦЛЕР НЕГА ИНТЕРВЬЮДАН БОШ ТОРТДИ

Берлиндаги Die Tageszeitung газетаси мамлакат вице-канцлери Филипп Респелернинг интервьюсини чоп этди. Қизини шундаки, унда фақат журналистларнинг саволлари келтирилган. Юқори мансабли сибсатчининг жавоблари ўрни эса бўш қолдирилган.

Ушбу гапиродатий ҳолинг сабаби шундаки, журналистлар асли келиб чиқishi вьетнамлик бўлган Респелерга асосан унинг немисларга алоқаси бўлмаган аждоди ва осийликларга хос ташқи қиёфаси хусусида савол беришган. Журналистларнинг гапига қараганда, вице-канцлер 20 дақиқа давомлата тишини-тишига қўйиб чидаб, бу саволларга жавоб берган, бирор марта мавзунини ўзгартиришларини талаб қилмаган. Бироқ, тўсатдан интервьюсини қайтариб олишга қарор қилган.

Die Tageszeitung газетаси берган тўшунтиришда таъкидлангани, унинг муҳбирлари шунчаки одатий вази-фаларини баҳарлишган, миллий масалада жанжал чиқариш пайида бўлишмаган.

Таъкидлаш жоизки, Респелернинг вьетнамча исми-шарифи ва ота-онаси кимлиги номаълум. 9 ёшлигида етим-хонада тарбияланаётган пайтда германиялик эр-отини уни ўғил қилиб олишган. Булажак вице-канцлернинг болалиги ва ўқувчилиги йиллари Гамбург, Бюкбург ва Ганноверда ўтган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 14 сентябрь кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-17, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамолнинг тезлиги кунайиб, айрим жойларда 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамолнинг тезлиги кунайиб, баъзи жойларда 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси 8-13, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.